

---

## **Бағдод тумани ҳокими ёнғин содир бўлган уйга борди**

Қаровултепа маҳалласидаги “Боғу бўстон” кўчасида жойлашган 81-рақамли уйда ёнғин келиб чиқиши оқибатида фуқаро Маҳмуджон Миргадоев оиласининг оғир вазиятда қолгани ҳақидаги хабар Бағдод тумани ҳокимини беэътибор қолдирмади. Юсуфжон Хусайнов зудлик билан ушбу манзилга бориб, юз берган кўнгилсиз воқеъликни кўздан кечирди, уй эгалари билан суҳбатлашди.

- Аввало, сизларга ҳеч бир кор-ҳол бўлмабди, ҳаммангиз саломатсиз – шунинг ўзи катта гап, - деди туман ҳокими. - Буям бир синов, аслида. Ҳечқиси йўқ, бу синовлардан биргаликда ўтамиз: биз бир томонда, маҳалла жамоатчилиги бир томонда бўлиб, бир ой нари-берисида янги уй қурамиз, худо хоҳласа. Эрта ё индиндан бу ҳовлида иш бошлаймиз!..

Туман ҳокимининг бу сўзлари хонадон эгаларига далда бўлди, албатта. Ўз навбатида, ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Умиджон Йигиталиевга зарур топшириклар ҳамда кўрсатмалар берилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-08-20 21:02:09